

Самарқанд давлат ветеринария  
медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университети

Бошқарув кенгашининг

2022 йил 15 апрелдаги

1- сонли баёни билан

**ТАСДИҚЛАНГАН**

**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университети Бошқарув кенгаши тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда Бошқарув кенгаши деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Бошқарув кенгаши Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–60-сон ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–61-сон қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ҳамда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети (кейинги ўринларда Университет деб аталади) бошқарув органи ҳисобланади.

3. Бошқарув кенгаши юридик шахс ҳисобланмайди ва давлат рўйхатидан ўтказилмайди. Бошқарув кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

4. Бошқарув кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, Университет Устави ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

5. Бошқарув кенгаши таркибига вазирлик ва идораларнинг, кадрлар буюртмачиларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари,

жамоатчилик вакиллари, ҳомийлар, шунингдек, Университет фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар кириши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфига қирувчи Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Бошқарув кенгашининг таркиби Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

## **II. Бошқарув кенгашининг вазифалари ва ваколатлари**

7. Бошқарув кенгашининг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Университетнинг молиявий йил учун мўлжалланган бизнес-режаси, узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастури, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

ҳалқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори ўринларидан жой олиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

Университетнинг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш;

ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, агроиқтисодиёт тармоқлари йўналишларида таълим, тадқиқот ва илмий ишланмалар трансфери жараёнларини ривожлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш;

илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш, стартаплар ва акселератор фаолиятини йўлга қўйиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шартнома асосида малакали мутахассислар жалб қилиш;

Университет ҳузурида фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан ва унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун таълим давомийлиги муддатларини белгилаш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш;

таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш юзасидан таклифлар бериш;

Университет олдига қўйилган вазифалар ижроси, мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича ректор (директор), проректор (директор ўринбосар)лари фаолиятини ўрганиш ҳамда ҳисоботини эшитиш;

Университетнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматига молиявий назорат ўтказиш учун қўшимча топшириқ бериш ҳамда назорат тадбирларининг натижаси юзасидан ҳисобот олиш;

Университетни ривожлантириш ва унинг молиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, шу жумладан тижорат, нодавлат ва нотижорат ташкилоти кўринишида мақсадли капитал жамғармасини шакллантириш;

илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Университетнинг инновацион ва бошқа жамғармалар маблағларини сарфлаш тартиби ва йўналишларини белгилаш;

Университет раҳбари ва ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари – КРІ (Key Performance Indicator-энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари)ни тасдиқлаш;

Университет ҳамда унинг таркибидаги таълим ва илмий муассасаларнинг раҳбар ва ходимлари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, хорижий мутахассислар учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва самарадорлик мезонларига асосланган рағбатлантириш тартибини белгилаш;

Университетнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан харажатларнинг тақсимланиш улушини белгилаш;

Университет жамғармаси маблағларининг сарфланишини назорат қилиш.

Бошқарув кенгаши амалдаги қонунчилик ҳужжатларига, мазкур Низомга ва Университетнинг Уставига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бошқарув кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида:

Университетдан Бошқарув кенгашига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур маълумотлар ва ахборотларни белгиланган тартибда олади;

Университетда мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда таълим сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Университет ректорига Университет профессор-ўқитувчи ва ишчи ходимлари ҳамда талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғрисида тавсиялар беради.

### **III. Бошқарув кенгаши таркиби, уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар**

9. Бошқарув кенгаши ваколатига тегишли масалаларни ҳал этишда унинг барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиқ тамойиллари асосида шакллантирилади.

Бошқарув кенгаши, қоидага кўра, Бошқарув кенгаши раиси, раиснинг ўринбосари, котиб ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

Бошқарув кенгаши таркибининг сони тоқ бўлади. Бошқарув кенгашининг шахсий таркиби ва раҳбариятидаги ўзгаришлар, қоидага кўра, бир йилда бир марта амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

Университет ректори лавозимига кўра Бошқарув кенгаши аъзоси ҳисобланади. Университет ректори Бошқарув кенгаши раиси этиб тайинланишига йўл қўйилмайди.

10. Бошқарув кенгаши таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлади.

11. Бошқарув кенгаши ўзининг айрим ваколатларини Университет кенгашига топширишга, шунингдек, Университет кенгашининг айрим ваколатларини ўз зиммасига олишга ҳақли.

Бошқарув кенгаши ўз ваколатларини Университет ректорига бериш ҳуқуқига эга эмас.

12. Бошқарув кенгаши раиси:

Бошқарув кенгаши йиғилиши кун тартибини белгилайди ва уни чақиради;

Бошқарув кенгаши қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Бошқарув кенгашининг йиллик иш режасини тасдиқлайди, шунингдек, Бошқарув кенгашининг йиллик иш режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни Кенгаш муҳокамасига қўяди;

Бошқарув кенгаши аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда Бошқарув кенгаши номидан вакиллик қилади;

Бошқарув кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади;

зарурат туғилганда навбатдан ташқари йиғилиш чақириш ҳуқуқига эга.

13. Бошқарув кенгаши раиси ўринбосарининг ваколатлари Бошқарув кенгашининг қарори билан белгиланади.

14. Бошқарув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарув кенгаши йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

Университетда (ҳамда унинг таркибидаги таълим ташкилотларида) таълим жараёнини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича Бошқарув кенгашига таклифлар киритиш;

Бошқарув кенгаши томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича хулоса тақдим этиш.

15. Бошқарув кенгаши аъзолари Бошқарув кенгаши таркибида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

Бошқарув кенгаши аъзолари йиғилишда шахсан қатнашиши керак. Бундай қатнашишнинг имкони бўлмаган тақдирда масофавий-онлайн тарзда қатнашади, Бошқарув кенгаши аъзоси йиғилишнинг кун тартиби бўйича ўз фикрини Бошқарув кенгашига ёзма-электрон равишда тақдим этишга ҳақлидир.

Бошқарув кенгаши аъзоси кенгашнинг йиғилишларида сурункали 3 марта узрли сабабларсиз иштирок этмаган тақдирда, у Кенгаш аъзолари таркибидан чиқарилади.

16. Бошқарув кенгаши котиби:

Бошқарув кенгаши фаолиятини ташкилий-техник таъминлайди;

Бошқарув кенгаши йиғилишига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Йиғилишни ўтказиш муддатлари ва жойини Бошқарув кенгаши раиси билан келишади;

кун тартиби масалалари бўйича Бошқарув кенгаши йиғилишлари ўтказилишини ташкил этади;

Бошқарув кенгаши аъзолари ва таклиф этилган шахсларни йиғилишнинг санаси, кун тартиби лойиҳаси, шакли, йиғилишни ўтказиш вақти ва манзили ҳақида хабардор қилади;

Бошқарув кенгаши қарорлари бажарилиши мониторингини юритади;

Бошқарув кенгаши баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Бошқарув кенгаши аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Бошқарув кенгаши котиби Бошқарув кенгаши аъзоси ҳисобланади.

#### **IV. Бошқарув кенгаши фаолиятини ташкил этиш**

17. Бошқарув кенгашининг ваколати доирасида тегишли масалалар бўйича қарорлар Бошқарув кенгашининг йиғилишларида қабул қилинади.

18. Бошқарув кенгаши ўз ишини ўзи тасдиқлаган режа асосида амалга оширади.

Бошқарув кенгаши йиғилиши заруратга кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта, зарур ҳолларда ахборот-коммуникация воситаларини қўллаган ҳолда масофавий тарзда ўтказилиши мумкин.

Бошқарув кенгаши раиси томонидан унинг аъзоларининг ёзма илтимосномалари асосида навбатдан ташқари йиғилишлар чақирилиши мумкин. Илтимосномаларда навбатдан ташқари йиғилишни чақиришнинг сабаблари ва асослари баён қилиниши керак.

19. Бошқарув кенгаши аъзолари масалани Бошқарув кенгаши йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёзма таклиф юборишга ҳақлидир. Масалани кун тартибига киритиш тўғрисидаги таклифда масаланинг аниқ таърифи, маърузачининг фамилияси, исми ва отасининг исми, таклиф этилаётган қарор лойиҳаси ва Бошқарув кенгаши йиғилиши кун тартиби масаласи бўйича материаллар кўрсатилиши керак.

Кун тартиби Бошқарув кенгаши йиғилишида тасдиқланади.

Бошқарув кенгаши йиғилишида кун тартибида кўрсатилмаган масалалар кўриб чиқилмайди.

20. Бошқарув кенгаши йиғилишини Бошқарув кенгаши раиси, у бўлмаган тақдирда эса – Бошқарув кенгаши раисининг ўринбосари бошқаради.

Бошқарув кенгаши йиғилиши Бошқарув кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Йиғилишни ўтказиш учун кворум бўлмаганда ёки раис ва унинг ўринбосари иштирок этмаганда Бошқарув кенгаши йиғилишини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

21. Бошқарув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, Университетнинг профессор-ўқитувчилари, ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

22. Бошқарув кенгаши раисига Бошқарув кенгаши йиғилиши ўтказиладиган санагача камида 7 календарь кундан кечиктирилмаган ҳолда Бошқарув кенгаши котиби томонидан:

Бошқарув кенгаши йиғилиши кун тартиби лойиҳаси;

Бошқарув кенгаши йиғилиши кун тартиби масалалари бўйича Бошқарув кенгаши қарорлари лойиҳалари;

Бошқарув кенгаши йиғилиши кун тартиби масалалари бўйича ҳужжатлар ва ахборот материаллари тақдим этилади.

23. Бошқарув кенгаши раиси ёки раис ўринбосари томонидан маъқулланган кун тартиби лойиҳаси ва тегишли материаллар Бошқарув кенгаши йиғилиши ўтказиладиган санагача 5 иш кунидан кечиктирмасдан Бошқарув кенгаши аъзоларига юборилади.

Айни бир вақтда Бошқарув кенгашининг ҳар бир аъзосига Бошқарув кенгаши йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома юборилади.

Хабарнома электрон, факсмил алоқа, телефонограмма орқали ёки Бошқарув кенгаши аъзосига шахсан топшириш йўли билан юборилиши

мумкин ва Бошқарув кенгаши йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

24. Бошқарув кенгаши йиғилишига ахборотлар (материаллар) Бошқарув кенгашининг котиби томонидан Университетнинг тегишли бўлинмалари билан биргаликда тайёрланади.

25. Зарурият бўлганда Бошқарув кенгаши йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой Бошқарув кенгаши аъзолари кўпчилигининг розилиги билан ўзгартирилиши (ёки кечиктирилиши) мумкин.

26. Бошқарув кенгаши йиғилишида қарорлар кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув кенгаши йиғилиши кун тартиби масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда Бошқарув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Бошқарув кенгаши аъзолари овозлари тенг бўлган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади. Овозни Бошқарув кенгашининг бир аъзоси томонидан бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

27. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Кенгашнинг йиғилишида катнашган аъзоларининг камида тўртдан уч қисмининг овозлари билан қабул қилинади:

Университетнинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини тасдиқлаш;

Университетнинг узоқ ва ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш;

таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш тўғрисида таклиф бериш;

Университетнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан харажатларнинг тақсимланиш улушини мустақил белгилаш.

28. Бошқарув кенгаши йиғилишида баённома юритилади. Бошқарув кенгаши йиғилиши баённомаси йиғилиш ўтказилган санадан бошлаб 5 иш кунидан кечиктирмасдан расмийлаштирилади.

29. Бошқарув кенгаши йиғилиши баённомасида:

йиғилиш ўтказилган санаси, вақти ва жойи;

Бошқарув кенгаши йиғилишида иштирок этган шахслар;

Бошқарув кенгаши йиғилишининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

30. Бошқарув кенгаши йиғилиши баённомаси раислик қилувчи ва Бошқарув кенгаши йиғилишида иштирок этган аъзолар томонидан имзоланади.

Бошқарув кенгашининг сиртдан овоз берган аъзоларининг ёзма шаклда ифодаланган ва уларнинг ўз қўллари билан имзоланган фикри Бошқарув кенгаши йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилади.

31. Бошқарув кенгаши баённомалари асл нусхаларининг сақланиши Бошқарув кенгаши котиби томонидан таъминланади.

Баённомаларга хронологик тартибда тартиб рақамлари қўйилади, алоҳида ҳужжатлар йиғма жилдига эга бўлади ҳамда фойдаланиш чекланган ахборотларга эга бўлган ҳужжатлар учун белгиланган тартибда сақланади.

32. Бошқарув кенгаши раиси томонидан тасдиқланган йиғилиш баённомалари Бошқарув кенгаши котиби томонидан улар тасдиқлангандан сўнг 5 кун ичида Бошқарув кенгаши раиси ва аъзоларига юборилади.

33. Бошқарув кенгаши баённомасининг асл нусхаси ва унинг материаллари Университетда сақланади.

Университет ректори Бошқарув кенгаши ҳужжатларини белгиланган тартибда сақланиши учун жавобгардир.

34. Бошқарув кенгаши котиби Бошқарув кенгаши аъзолари ёрдамида Бошқарув кенгаши қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда ўрганади ва кўриб чиқади, зарурат бўлганда, Бошқарув кенгаши раисига тегишли таклифлар киритади.

Бошқарув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиши ҳолатини кенгаш ўз йиғилишларида мунтазам равишда кўриб боради.

35. Бошқарув кенгашининг иш тартиби Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланадиган регламент асосида белгиланади.

## **V. Яқуний қондалар**

36. Бошқарув кенгаши аъзоларига мазкур Низомда белгиланмаган ваколатларга эга бўлишларига, Университет ректорининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатларига аралашшига йўл қўйилмайди.

37. Бошқарув кенгашининг фаолиятига Университет ректори, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар аралашувига йўл қўйилмайди.

38. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

39. Мазкур Низом тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

40. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Бошқарув кенгаши томонидан амалга оширилади.